BARKAMOL AVLODNI TARBIYALASHDA

BUYUK AJDODLARIMIZ MA'NAVIY MEROSINING AHAMIYATI

Бугунги кунда мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш энг муҳим ва муқаддас вазифага айланган. Таълимдаги ислоҳотлар, хусусан, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, унинг бевосита узвий давоми бўлган Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастуридан кўзланган мақсад ҳам аслида она Ватанига содиқ, билимли, мустақил дунёқарашга эга, соғлом, маънавий етук, замонавий касб-ҳунар сирларини эгаллаган, илғор фикрли авлодни тарбиялашдир. Зеро, муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдеворидир». Бу эса, албатта, таълим ва тарбия орқали амалга ошади. «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида «Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди — бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси», — деб бежиз айтилмаган. Аждодларимизнинг ҳар томонлама баркамол инсонни тарбиялаш борасидаги эзгу мақсадлари истиқлол туфайли амалга ошмоқда.

Инсоният тарихи қанча-қанча даврларни босиб ўтган бўлса, ҳар бир даврнинг олимларию файласуфлари инсон қадри улуғланадиган, инсонлар бир-бирларига меҳрибон, елкадош бўлган адолатли, фаровон ва тинч жамият қуришни орзу қилиб келганлар. Шу мақсад йўлида ўзларининг ғоя ва таълимотларини яратганлар.

Бугун мамлакатимизда комил инсон тарбияси мамлакат сиёсатининг, миллий ғоянинг устувор мақсади деб белгиланган экан, бу борада ўтмишдан шу кунгача комил инсон тарбияси билан боғлиқ аждодларимизнинг қолдирган илмий мероси биз учун катта бир мактабдир.



Шу ўринда ўтган йили давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзуидаги халқаро конференциянинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтгимиз келади. Унда дунёнинг етакчи олимлари, нуфузли илмий марказлар мутахассислари яна бир бор Ўрта асрларда астрономия, география, математика, тиббиёт соҳаларида буюк кашфиётлар қилган, тарих, адабиёт ва шеърият оламида ўлмас асарлар яратган буюк инсонлар, аллома ва мутафаккир боболаримиз бой меросини яна бир карра эътироф этдилар, улар билан боғлиқ тадқиқотлари билан ўртоқлашдилар.

Биз бугун қайта-қайта фахр, ифтихор ва ғурур билан тилга олаётган буюк инсонлар босиб ўтган машаққатли ва сермазмун ҳаёт йўлининг бош мақсади — миллат, халқ бахт-саодати ва фаровонлиги учун хизмат қилишга қаратилгандир. Ана шундай мутафаккирларимиздан тасаввуф фалсафасининг буюк донишмандлари Нажмиддин Кубро ва Баҳоуддин Нақшбандийлар номини ҳурмат билан тилга оламиз. Тасаввуф, бир томондан, дин ва шариат, иккинчи томондан, фалсафа ва ҳикмат илми билан боғлиқ ҳолда ривожланиб келган ўзига хос таълимотдир. Таъкидлаб ўтганимиздек, унинг асосида инсон фаолияти ва унинг камолоти ётади.

Буюк ватандошимиз Нажмиддин Кубро тасаввуфнинг кубравия тариқати асосчисидир. Кубравия тариқати таркидунёчиликни рад этади, унда инсон камолот йўлида олиб бориладиган машаққатли меҳнат жараёнида бу дунё ноз-неъматларидан баҳраманд бўлгани ҳолда зулм, зўравонлик, жаҳолатни келтириб чиқарувчи қусурлар манбаи бўлган нафсни ислоҳ қилиши ва тарбиялаши жоизлиги ғояси илгари сурилади.

Нажмиддин Кубро (камтарона ҳаёт кечирган ҳолда, ўз қарашларини «Фавоъих-ал-жамол ва фавотих-ал-жалол», «Ал-усул ал-ашора» каби илмий асарларида ва рубоийларида баён қилган. Аллома инсон камолотга эришиши учун маълум риёзат йўлларини ўташи зарур ва бу йўлда ҳар бир киши ўн асосга таянмоғи керак деб ҳисоблайди. Улар «тавба» (инсоннинг «мени»дан кечиши), «зуҳд»(дунё лаззатларидан тийилиш), таваккал (Худога ишончи), қаноат, узлат, зикр, таважжуҳ (шахснинг нафс эркинлигидан чиқиши)дир. Шахс тарбиясидаги ўн асосга таяниб, инсон ўзидаги салбий сифатлардан халос